



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 12 -MART

4674 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Болтаев Йўлдош  
Отажоновичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида яшовчи фуқаро Болтаев Йўлдош Отажоновичнинг “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 25 январдаги ШЯ-Б-263-сонли аризасини, “Қипчоқ” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 20 январдаги 127-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Қипчоқ” маҳалласида жойлашган 10 (ўн)та хонадан иборат, яшаш хоналари 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 96,66 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 117,01 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 213,67 квадрат метр, қурилиш ости майдони 325,15 квадрат метр, умумий ер майдони 1200,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Болтаев Йўлдош Отажоновичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Болтаев Йўлдош Отажоновичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси

ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Болтаев Йўлдош Отажоновичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**